



halol.uz

## От гўшти ҳалолми ёки ҳаромми?

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади.

«Набий соллаллоху алайхи васаллам Хайбар куни хонаки эшакларнинг гўшtidан нахий қилдилар ва йилкининг гўштига изн бердилар».

Беш асл китобда ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинadиган фойдалар:

1. Хонаки эшакларнинг гўшти ҳаром эканлиги.
2. Йилкининг гўшти ҳалол эканлиги.

Асмаа розияллоху анходан ривоят қилинади.

«Набий соллаллоху алайхи васалламнинг даврларида от сўйдик ва уни едик».

Бухорий ва Муслим ривоят қилган.

Ушбулар ва яна шунга ўхшаш баъзи ривоятларга асосланиб жумхур уламолари отнинг ҳалолиги хақида иттифок қилишган.

Аммо, Имом Абу Ханифа ва Имом Молик розияллоху анхумолар от гўшти макрух, деганлар. Улар ўзларининг бу фатволарига «Нахл» сурасидаги: «Отлар, хачирлар ва эшакларни минишингиз ва зийнат учун (яратди) ва сиз билмайдиган нарсаларни яратур», оятини далил киладилар. Уларнинг фикрларича, ушбу ояти каримада зикр килинган хайвонлар ейиш учун эмас, миниш ва зийнат учундир. Шунингдек, мазкур имомларимиз баъзи бир хадиси шарифларда ҳам отнинг гўштини тановул килишга изн берилмаганлигини эслатиб ўтадилар.

Имом Абу Довуд ва имом Насайлар Холид ибн Валид розияллоху анхудан ривоят килган хадисда:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам от, хачир ва хонаки эшакларнинг гўштини емокдан кайтардилар», дейилган.

ал-Микдом ибн Адий розияллоху анхудан ҳам шу маънода ривоят келган.

Жумхури улармолар жумладан, Имом Абу Ханифа раҳматуллохи алайхининг бош шогирдлари; Имом Абу Юсуф ва Имом Мухаммад раҳматуллохи алайхилар ҳам от гўшти хеч карохатсиз халолдир, деганлар. От гўштининг халоллиги хақида каттик турган уламоларимиз, мазкур гўштни емаслик хақида келган хадисларни, вақтинчалик, жиход учун от минишга хожат кучайганда айтилган гаплар бўлиб, кейинчалик, насх килинган дейдилар. Энг кизиги, амалга келганда Ханафийлар жумхурнинг, жумладан, Имом Абу Юсуф ва Имом Мухаммад раҳматуллохи алайхимларнинг фатволарига амал килганлар. Шофеъийлар эса, Имом Абу Ханифа раҳматуллохи алайхининг фатволарига амал килганлар. Бу шариатимиздаги хур фикрлик ва кенчиликнинг бир намунаси.

[Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф роҳимахуллох](#)